1976 йилдан эса кучли билим ва ўз ишига бўлган иштиёқини кўрган Тошкент шаҳар санитария-антомология назорати маркази раҳбарияти у кишини Тошкент шаҳар дезинфекция станциясига тиббиёт антомолог вазифасига ишга ўтказишди. Аҳам ака бу ерда нафақага чиққунга қадар самарали меҳнат қилдилар, баъзида биз шогирдлар у кишини меҳнатсеварлигига, матонатига қойил қолардик. Яшаш жойлари шаҳардан анча йироқда яъни Қибрай тумани Арғин қишлоғида бўлса ҳам ишга ўз вақтида этиб келарди.

Аҳам ака Москва — Харьковдаги шифокорлар малкасини ошириш институтига ҳам ўз малакаларини оширган эдилар. Аҳам аканинг билимлари ўта кучли бўлганлиги туфайли ҳам Москвадаги илмий-тектириш институтини тошқинлар ҳам у кишидан йўл-йўриқлар, маслаҳатлар олиб турган эдилар. Иш жараёнида эса ҳеч қачон эринмасдан бўлимга

келган дезинфекция моддаларини ёки синов учун юборилган дезинфекция моддаларини ҳаммаша Аҳам ака назоратида у киши ишлатиб қўриб ўз ҳуласини айтмагунча ҳеч ким уни ишлатишга ботинолмас эди. Шаҳарни бирор еридан кимдир қандай бўгин оёқ яъни ҳашорат ҳақида шикоят қилса у киши ўша ерга бориб тезлик билан ҳашорат ўчоғини топиб қандай дезинфекция моддалар билан ишлаш ҳақида йўл-йўриқлар бера эдилар.

Аҳам ака ўткир билим соҳиб, тиниб-тинчимас моҳир инсон эдилар. Шу туфайли бўлса керак, 1994 йилда у кишига ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими унвони берилган эди.

Бугунги кунда устозимиз ишларини биз шогирдлар давом эттириб, улар орзу қилгандек ишлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Тиббиёт-антомологияси равнақиға муносиб ҳиссасини қўшган устозимиз ёди ҳаммаша тилимиз ва дилимизда мангу барҳаётдир.

Зулайхо ТУРСУНОВА,
Миробод тумани дезинфекция станцияси бош шифокори.
Ғиёс УСМОНОВ,
Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси ходими,
тиббиёт аълочи.

ЯНГИЛИКЛАР

- НОВОСТИ
- СОБЫТИЯ
- КОММЕНТАРИИ

Тошкент

ИЛМИЙ-УСЛУБНИЙ СЕМИНАР

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган илмий-услубий семинар «Репродуктив саломатлик — соғлом оилавий ҳаёт асоси» мавзусига бағишланди.

Семинарда республикамизда кўзга кўринган етук мутахассис олимлар, пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-хунара коллежларининг ўқитувчилари иштирок этишди. Анжуманда ёшларни соғлом оилага тайёрлашда давлат сиёсатининг ўрни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга ошириладиган ибратли ишлар ҳақида тавсия, тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН

Янги илмий-тадқиқотлар медитациянинг нафакат инсон руҳи, балки танаси учун ҳам фойдали эканлигини кўрсатган.

Шифокорларнинг фикрича, у орқали айниқса қария кишиларда атеросклероз ва инфаркт касалликлари ривожланишининг олдини олиш мумкин.

Бухара

ЗА ЗДОРОВЬЕМ — В КАНИМЕХ

С открытием нового сельского врачебного пункта в каракулеводческом кооперативном хозяйстве «Чордара» Каннимехского района жителям аула теперь не надо выезжать в центр для лечения.

В медицинском пункте есть физиотерапевтический, акушерский, фельдшерский, процедурный кабинеты и лаборатория. Пациенты имеют возможность пользоваться дневным стационаром.

Термез

МОЛОДЕЖЬ ПРОТИВ «ЧУМЫ ВЕКА»

В Термезском государственном университете было проведено шоу на тему «Молодежь XXI века против СПИДа и наркомании». Оно организовано управлением внутренних дел области, общественным движением молодежи «Камолят» и центром СПИДа.

Участники акции призвали своих сверстников к совместной борьбе против этого зла. Студентами университета были показаны художественные инсценировки о последствиях наркомании.

ИНФОРМАЦИЯ

Главного управления по контролю качества лекарственных средств и медицинской техники МЗ РУз о забракованных, незарегистрированных и фальсифицированных лекарственных средствах по поступившим данным служб контрольно-разрешительной системы МЗ РУз за I квартал 2002 года

I. СПИСОК ЗАБРАКОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

№	Наименование препарата	Серия	Фирма-производитель	Страна	Кем забракован	Показатель
1.	Анальгин 0,5 табл. №10	600701 540701	«Химфарм» ОАО г. Шымкент	Казахстан	ГАА «Дори-дармон» КАЛАб РУз	Средняя масса
2.	Алзин табл. №10	880010101	СП «КорФарм саноат»	Узбекистан	ГАА «Дори-дармон» КАЛАб РУз	Маркировка
3.	Апкосул №100 капсулы	A011TE A010TE	СП «Сурхан Аджанта ЛТД»	Узбекистан	ГАА «Дори-дармон» КАЛАб РУз	Описание, маркировка
4.	Диклоген (Диклофенак натрия 75 мг 3х5 д/ин.	DZ-759 DZ-767	«Аджио фармацевтика ЛТД»	Индия	ЛККИСЛС	Упаковка
5.	Ибупрофен 400 мг. табл. №10	100030801	СП «КорФарм саноат»	Узбекистан	ГАА «Дори-дармон» КАЛАб РУз	Маркировка
6.	Кальция глюконат 10% 5x10 д/ин	1050701 2191001 1480801	«Новосибхим фарм» ОАО ГУП «Иммуно препарат»	Россия Россия	ЛККИСЛС ГАО «Навои Дори-дармон» КАЛАб	Механические включения Механические включения
7.	Кломин табл. №10	78013	СП «КорФарм саноат»	Узбекистан	ГАО «Самарканд Дори-дармон» КАЛАб	Маркировка
8.	Лазикс 2 мл №10 д/ин.	041191	«Хефт Мэрион Руссель ЛТД»	Индия	ЛККИСЛС	Маркировка
9.	Натрия хлорид 0,9% 5,0 №10 д/ин.	3571092 3581092	«Воронежхим фарм»	Россия	ГАО «Самарканд Дори-дармон» КАЛАб	Внешний вид рН
10.	Нафтизин 0,1% 10,0	150100	«Фармак» ОАО	Украина	ГАО «Хорезм Дори-дармон» КАЛАб	Внешний вид рН
11.	Финлепсин 200 мг табл. №50	OF065A	«ASTA Медика AG»	Германия	ЛККИСЛС	Средний вес, прочность, маркировка

II. СПИСОК ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

№	Наименование препарата	Серия	Фирма-производитель	Страна	Кем забракован	Показатель
1.	Ампициллин натриевая соль 0,5 д/ин.	970301	«Красфарма» ОАО	Россия	ГАО «Дори-дармон» КАЛАб г. Ташкент	Подлинность, рН, маркировка, удельное вращения
		2391101	«Красфарма» ОАО	Россия	ГАА «Дори-дармон» КАЛАб РУз	Подлинность, рН
2.	Борная кислота 3% 10 мл	180799	«Узхимфарм» ОАО	Узбекистан	ГАО «Андижан Дори-дармон» КАЛАб	Средний вес, упаковка
3.	Бензилпенициллин натриевая соль 1,0 д/ин.	537052000	«Красфарма» ОАО	Россия	ГАО «Наманган Дори-дармон» КАЛАб	Подлинность, упаковка, маркировка
4.	Бисептол 480 мг табл. №20	180301	«Polfa Rafapisa»	Польша	ГАО Каракалпак Дори-дармон» КАЛАб	Колич. содер.
5.	Диклофенак 75 мг 3х5 д/ин.	107032001	«Вейф»	Индия	ЛККИСЛС	Упаковка, маркировка
6.	Кислота борная 10,0	170501	«Борисовский» ЗМП	Беларусь	ГАО Каракалпак Дори-дармон» КАЛАб	Механические включения
7.	Линимент симтомидина 5% 25,0	100501	«Нихфарм» ОАО	Россия	ГАО «Андижан Дори-дармон» КАЛАб	Описание, подлинность, средний вес, маркировка
		281000	«Дальхимфарм» ОАО	Россия	ГАО «Наманган Дори-дармон» КАЛАб	Подлинность, маркировка, физ. св-ва
8.	Нафтизин 0,1%-10,0	370401	«Фармак» ОАО	Украина	ГАО «Хорезм Дори-дармон» КАЛАб	Подлинность, описание
9.	Нафтизин 0,05%-10,0	190499	«Фармак» ОАО	Украина	ГАО «Дори-дармон» КАЛАб	Подлинность, описание
10.	Реополиглюкин 200,0	1021101	«Красфарма» ОАО	Россия	ГАО «Наманган Дори-дармон» КАЛАб	Подлинность, упаковка, маркировка
11.	Реополиглюкин 400,0	199062000	«Красфарма» ОАО	Россия	ГАО «Дори-дармон» КАЛАб г. Ташкент	Подлинность, рН, механические включения
12.	Рифампицин 0,15 капсул №10	17052000	«Белмед препараты» АО	Беларусь	ГАО «Наманган Дори-дармон» КАЛАб	Количесственное содержание, упаковка, маркировка
13.	Раствор Люголя с глицерином 10 мл	04102000	«ИТМК» ООО г. Москва	Россия	ГАО «Дори-дармон» КАЛАб РУз	Подлинность, физ. св-ва
14.	Раствор Левомицетина 0,25% 10,0	90500	«Белмед препараты»	Белоруссия	ГАА «Дори-дармон» КАЛАб	Колич. содер., маркировка
15.	Спленин 1,0 №10 д/ин.	164102000 9030001	«Дарница» фарм ф-ка ЗАО	Украина	ГАО «Фергана Дори-дармон» КАЛАб	Механические включения, маркировка
16.	Спирт камфорный 25 мл	150800	«Узхимфарм» ОАО	Узбекистан	ГАО «Андижан Дори-дармон» КАЛАб	Подлинность, описание, маркировка
17.	Трихопол 250 мг табл. №20	740100	«Polpharma SA»	Польша	ЛККИСЛС	Подлинность, рН, количесственное содержание, плотность, упаковка
18.	Трихопол 250 мг табл. №10	541100	Польфарма SA	Польша	ГАО «Наманган Дори-дармон» КАЛАб	Колич. содер., упаковка, маркировка

III. СПИСОК НЕЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

№	Наименование препарата	Серия	Фирма-производитель	Страна	Кем забракован	Показатель
1.	CIFRALET 250 mg табл. №10	5, NoCT-256 MFD oct. 2001	g.c.m. LABORATORIES	Индия	ГУККЛСИМТ	Фальсификация
2.	OMES 20 мг №30 капсул	5, NoOMZ-144 MFD JUN 2001	LABORATORIES	Индия	ГУККЛСИМТ	Фальсификация

В отношении указанных лекарственных средств принимать меры в соответствии с приказом МЗ РУз №163 от 15.03.99 г. и «Временной инструкцией о порядке уничтожения непригодных к применению лекарственных средств и изделий медицинского назначения».

Начальник Главного Управления по контролю качества лекарственных средств и мед. техники А. Н. ЮСУСХОДЖАЕВ.
Начальник Фарминспекции Д. Г. НАСЫРОВА.

Шифокор огохлантиради қўзиқориндан зақарланмаслик учун...

Беқіёс диёримизда баҳор фасли келиши билан кунлар исий бошлайди. Ётинарчилик кўпайиши муносабати билан кир-адирларда, майсазорларда ва ариқ бўйлариди ҳар хил турдаги қўзиқоринларни қўлаб ўсиши кузатилади. Бу эса қўзиқорин истеъмол қилишни ёқтирадиған фуқаролар учун қулай фурсат ҳисобланади. Деҳқон бозорларида, катта автомагистраль кўчаларда инсонлар томонидан истеъмол қилиши мумкин бўлган ва захарли қўзиқоринларни сотиш ҳоллари кузатилади. Истеъмол қилиш мумкин бўлган ва захарли қўзиқоринларни бир-биридан ажратиш жуда мушкул. Қўлаб ҳолларда улар бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Захарли қўзиқоринларга захарли оқ қўзиқорин, қизил мухамор, қулранг мухамор, сатанин қўзиқорини, сариқ сохта қўзиқорин ва бошқалар қира-



ди. Одатда йиғилган қўзиқоринларни истеъмол қилинганда бир ёки бир неча шахслар касалланади. Қўзиқориндан захарланиш ҳоллари одатда апрел, май ойларида ва ёзнинг охирида кузатилади.

Қўзиқориндан захарланган ҳолларда касаллик белгилари истеъмол қилинган қўзиқориннинг турига қараб, қуйдагича намоён бўлади. Масалан: қизил мухамор таркибда мускаринидан ва мускарин алкалоидлари мавжуд. Қизил мухамордан захарланганда касаллик белгилари 1-2 соат ўтган намоён бўлади. Асаб тизими фаолиятида ўзгаришлар бўлади, бу айниқса, захарланиш учун характерлидир. Бундан ташқари сулак оқши, кўп терлаш, кўздан ёш оқши кузатилади, томир уриши секинлашади ва сустлашади, алаҳсираш (галлюцинация), титраш кузатилади, беморларда айниқса кўз қорачигининг кенгайиши (мускаринидан) ёки уларнинг торайиши (мускарин) кузатилади.

Беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатилса одатда 1-2 кундан сўнг соғайиб кетади. Ўз вақтида даво чоралари қўрилмаса, беморнинг аҳоли оғирлашиб, бундай ҳолат ўлим билан тугаши мумкин. Нохуш ҳолатларнинг кузатилмаслиги учун ҳар бир шахс адабиётлардан ва шу мавзудаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, захари қўзиқоринлардан истеъмолга яроқли, захарсизини ажрата билиши лозим. Мактабларда ва олий ва ўрта махсус билим юртиларида бу маълумотлар билан батафсилроқ таништириш имконияти бирмунча юқори. Қўзиқориндан захарланиш ҳодисаларини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош Давлат санитария вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсган қўзиқоринларни терийш ва сотишни таъқиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган.

Шунинг учун одамлар дала ҳовлиларда ва ариқ бўйлариди ўсган ҳар хил турдаги қўзиқоринларни истеъмолга яроқли ёки яроқсизлигини биламан ҳолда терийш истеъмол қилишлари тақиқланади. Акс ҳолда ўз саломатлигининг захарли ва яроқсизлигига ўзингиз нина санган бўласиз, хаттоки ўз умрингизга завоқ қилишингиз мумкин.

Нуриддин ТОШБОВЕ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Саломатлик институтининг
услужбети врач.



Раҳима ая Тошкентнинг қоқ марказидаги Хастимов маҳалласида улғайиб вояга етган. Улар яшаган каттақон ҳовлининг чор атрофи бог-роғ, ичкарисида эса ёз бўйи атиргуллар барқ уриб очилиб ётарди. Хонадон бошлигини кўпчилик Мирёкуб афанди деб эъзозлар, у жуда обрў-этиборли киши эди. Бу инсон илмни қадрларди, олти нафар фарзандининг ҳаммаси эл-юртга керакли кишилар бўлиб етишилини орзуларди. Шундай бўлди ҳам. Раҳима ая узок йиллар Тошкентдаги физиятрия ва пульмонология илмий текшириш институтини клиникасида фаолият кўрсатди. Шу даргоҳда изланди, бой тажриба тўплади, яхши шифокор сифатида элга танилди.

— Ҳаётимнинг асосий йиллари кишлоқлик содда одамлар орасида ўтди, — дейдилар ая. — Улар асосан беморлар эди. Касбим тақозосига кўра шифокорлик илмим ва чин меҳрим билан уларнинг тазалишларига ёрдам бердим...

Тошкент Тиббиёт институтини тугаллаганларидан сўнг Раҳима Мирёкубовани Кўкона исига юборишди. Ўша йилларда ўпка касаллигининг анча оғир тури кенг тарқалганди. Халқ орасида «Сил (туберкулёз) тузалмайди, бу дардга даво йўқ», деган гап-сўзлар юрарди. Аслида бу гаплар ярим ҳақиқат эди. Чунки, урушдан олдинги йилларда силга қарши дори-дармонлар ўта танқис, борлари ҳам оғир беморларни ҳаётга қайтариш учун қўлланиларди. Силга дучор бўлганлар эса тобора кўпайиб борарди. Бунинг сабаби оддий, яъни одамларда тиббий саводхонлик етишмасди. Шунинг учун ҳам улар касаллиқни бир-бирларига осонгина юқтириб қўядилар. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боровчи мутахассис шифокорлар оз эди. Шундай

Қарияларни қадрлаш йили

АЗИЗУ МУКАРРАМЛИККА МУНОСИБ

(Республикада хизмат кўрсатган шифокор Раҳима Мирёкубованинг ҳаёт йўлига бир назар)

оғир шароитда иш бошлагани учунми, Раҳима Мирёкубова даст-қўлга кўпгина машаққатларга дуч келди.

Аянинг хотирлашича, кишлоқлар аҳолисини ёппасига тиббий кўриқдан ўтказишда бир кампирнинг аҳоли жуда оғирлиги маълум бўлди. Раҳима Мирёкубова онахонга «ўпкангиз буткул ишдан чиқибди» дейилмади, кекса аёлни аяди, фақат ёнига бориб, «Бирор жойда ишлайсизми?» деб сўради. «Ҳа, колхоз яслисида чақалоқларга қарайман» деди у. «Шу ёшингизда қийналмайсизми?» деди Раҳима ая. «Ахир нима қилай, оналари уззукун далада ишлашади. Агар эми-зишга келаверишмаса жийда чайнаб доқага соламани, оғизларига солиб қўяман, овунишади», дейди кампир. Бу гапни эшитиб Раҳима ая тутакб кетади. Ўша кунийк ясли биноси ичини махсус дори билан тазалатади, раисга бор гапни айтиб, ҳалиги онахонини ишдан бўшаттирди.

— Одамлар бу касалликдан қандай сақланиш кераклигини мутлақо билмасдилар, — дейди Раҳима ая. — Қашқадарёга борган кезларимдоям шунга ўхшаш воқеалар кўп бўлган. Айниқса, Паландара деган кишлоқни сил буткул қамраб олганди. Шу касаллик туфайли ҳамма жону жигарлари ҳаётдан кўз юмиб, оилада биргина ўзи қолган кишилар кўп эди. Афсуски, шу биргина кишининг ўзи ҳам бемор эди. Энди-энди ўйлаб ўқинаман, агар ўша йилларда ҳам худди ҳозиргидек кучли дори-дармонлар бўлганда эди, кишлоқлар аҳли силдан шунчалик азоб чекишмасмиди...

Раҳима аянинг айтишларича, ўша кезларда дори-дармон етишмаслиги туфайли шифокор беморларнинг ҳар бирини кунма-кун назорат қилиб туриши зарур эди. Бемор киши қандай овқатланаяпти, яшаш тарзи қанақа, оиладаги ўдақлар билан муомалада касаллигини юқтириб қўймайптими, буларнинг ҳаммаси шифокорнинг назоратида бўларди. Айрим бе-

морларга йўтални қолдирувчи дорилар, иштаҳасидан нолийдиганларга эса турли витаминлар буюрилари. Тоза-озода юриши, доимо сут ичиши лозимлиги уларга тинмай ўқтириб бориладди.

Раҳима Мирёкубовани ўзи ишлаётган институт жамоасидаги жуда иззатлашарди. Институтнинг ўша пайтдаги директори Шокир Алимов бу аёлни кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатарди. Республиканинг қайси вилоятига пульмонолог ёрдами зарур бўлиб қолса, бу ҳақда институтга хабар қилинса Шокир Алимов дарҳол Раҳима Мирёкубовани чақирар, «Сизни яна вилоятга юбормоқчимиз, ҳар ҳолда кишлоқлик кишилар билан тил топиша оласиз, у ердагилар сиздан миннатдор бўлишяпти» дерди. Шифокор аёл ҳеч бир сўз демай эртасигаёқ узок кишлоқларга жунаб кетарди...

— Мен уйда жуда кам бўлардим, — дейди Раҳима ая. — Сафардан қайтган пайтларимда ранг-рўйимни кўриб онам ташвишга тушарди, «Касалмасмисан, ишқилиб?» деб сўрарди. Ўн беш кунча ўтиб, яна вилоятга кетаётганимни эшитгач, тун билан менга турли хил пишириқлар тайёрлардилар. Ахир мўл-кўл, тўкин-сочин хонадонда ўсиб улғайгандим-да. Шу ҳолида кишлоқларда очин-тўқин қийналиб юрганларимга онамнинг ичи ачишарди. Мен эса ўша ердаги беморларимни астойдил яхши кўрадим, меҳр билан даволадим, улар ҳам мени «ая» деб ҳурматлашарди. «Сиз даволасангиз албатта тузалиб кетаман!» дегувчилар кўп эди. Шу биргина сўз менга куч-қувват берарди, уларнинг ишончини қозониш учун машаққатларни босиб ўтиб, илгарига интилаварадим.

Бухоронинг чўл туманларига бориб ишлаган кезлари Раҳима аянинг ҳали-ҳали ёдида. Томди, Учқудуқ... «Кенгача чўлма-чўл оравериб озғимиз қумга тўлиб қоларди, — дея эслайдилар ая. — Кейинчалик Хоразмда, сўнг Сир-

дарёда иш юритдим. Мирзачўлни ўзлаштириш учун келган чўлқуварларни бир жойга йиғиб, тиббий кўриқдан ўтказиш айниқса қийин кечарди... Биз тажрибали врач Зинаида Назарова билан биргаликда чўлқуварларнинг ҳаммасига ёрдам беришга ҳаракат қилардик».

Кунлардан бир кун узоқ кишлоқдан бир киши Раҳима Мирёкубовани ахтариб келади. «Ая, бир аёл сизнинг ёрдамингизга илҳақ бўлиб ётибди» дейди. Борсаки, ҳалиги аёл кўз ёрғомай қийналаётган экан. Ён-отрофда на бир туғруқхона, на биротра доя бор. Шу кун аёлнинг эсон-омон кўзи ёригач, Раҳима ая эртасигаёқ раҳбарларга бориб учрайди. Кишлоқда туғруқхона очилган уларни кўндарилади.

Машаққатли меҳнат ортида масъулият бор. Инсонийлик бор. Рағбат мукофот бор. Раҳима Мирёкубова 1957 йилда «Меҳнат аълочиси» нишони билан тақдирланди. Орадан сал вақт ўтиб, «Республикада хизмат кўрсатган шифокор» унвонини олди.

— Қанийди илгариги куч-қувватим яна қайтиб келганида эди, бугунги ҳур, озоқ кунларимизда яйраб-яйраб ишлаган бўлардим, — дейдилар ая. — Афсуски, умр жуда тез ўтаркан. Энди кекса-йиб қолдим.

Кексалик аслида донолик. Раҳима аянинг қизгин сўхбати ва ўткир нигоҳларида одамларга меҳр, касбга муҳаббат ва кечис сadoқат акс этиб туради. Унинг осойишта чекрасида шифокорлик тақдирдан миннатдорлик, бугунги кунларга шукроналик муҳассам. Ҳаёти давомида юзлаб, минглаб беморларга умид ва нажот бахш этган, уларнинг соғайишларига астойдил кўмаклашган бу аёлнинг қалби зугуликка тўлиқ. Зугулик эса ҳамиша ўз соҳибига бахт келтирган, уни эл ичра азизу муқаррам этган. Раҳима Мирёкубова ҳам шундайин азизу муқаррамликка муносибдир!

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Шундайлар бор бўлсин

ҲИКМАТГА ТҮЛА ҲАЁТ

«Яхшилик — бир жабрланганнинг бир юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликлардан кутқармоқдир. Қарам — бирининг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва шу тикан учнда гулдек очилмоқдир».

Во ажаб! Бу ташбехни қаранг! Бунчи ким ёзган дегн? Мир Алишер Навоий! Уйланиб қоламан. «Гулдек очилётган энг ҳокисор ва фидойи кишиларни кўз ўнгимга келтирмоқ бўлман. Ва дафъатан ҳавл кўзгусида Аҳмад ақанинг, ўша биз билган Аҳмад Муродовнинг асл ўзбекхона қиёфаси жонланади. Нега энди бошқанинг эмас, айнан Аҳмад ақанинг деяйсизми? Ўзимам хайронман. Балки, у кўнгил деган мунаввар оламининг бир буржидан ёркин жой олганлиги ва-жидан ёркин.

Менимча, бу тўғиларнинг бари қоршиб, қўнгилда бўй кўрсатганидан бўлса керак.

Айтишларича, эл-юрт қорига ярамоқ ва ўзини шу эл бахти учун фидо қилмоқ ҳам бир саодатдир. Бу бахт Оллохнинг суйган бандаларигагина насиб бўлармиш. Эҳтимол, «Сен шундай яшагинки, ҳаётинг сарҳисоби неча йил умр кўранинг билан эмас, балки, халқингиз, Ватанингиз қанчалик яхшилик қилганидан билан ўлчансин», деган ҳикматда ҳам ана шу маъно муҳассамдир.

Энг яхши завқу сафо, ҳаётнинг энг катта қувончи ўзининг одамларга яқин ва керакли деб билишингдир, деган гапни эшитганман. Бу ҳикматни мен дадиллик билан Аҳмад ақанинг тиббиёт соҳасидаги фаолиятига тадбиқ қила оламан.

Мен бу билан нима демокчиман? Аввало, ҳеч бир инсон дард чекмасин. Лекин «иссиқ жоннинг иситмаси бор» деганларидек, ҳар бир одамнинг ўзига яраша дардлари бўлади. Қутмаган ва ўйламаган пайтнинг да қандайдир касаллик ҳужур қилиб қолади. Агар ўз вақтида тажрибали шифокорларга мурожаат қилмасак, ўз умримизга қўзимиз завоёт етказиб қўямиз.

Дарвоқе яқинда тўсатдан қорним оғриб қолди. Шунда акам танамдаги дардин сезгач, гўёки енимда туриб дард азобимга шерик бўлибган тажрибали, ўз касбининг устаси бўлиши меҳрибон шифокорларга мурожаат қилиди. Улар дарҳол ташхис қўйишди, аяқдайдик касаллигини жарроҳлик йўли билан ҳасиб олиш ишларини бошлаб юборишди. Бир неча кунлик муолажалардан сўнг аста-секин соғайиб ўлимизга қайтдим. Ҳайрон бўлгандирсиз улар ким ва қаррлик экан деб?

Шундай аjoyиб, қалби пок, меҳрибон шифокорларим Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги М. Фозилов номи жамоа ҳўжалиги ҳўдулида жойлашган 1-сон туман шифокорнаси хирургия бўлимида, халқ саломатлигини йўлида меҳнат қилаётган жарроҳ шифокорлар Аҳмад Холиқов, Қаримберди Эғамбердиев, анестезиолог Абдулжалол Мақшидов, хона шифокори, жарроҳ Темуру Қурбонов ҳамда бир-биридан қаққон ҳам-ширлар Клара Қайюмова ва Холида Қорабеваларга қалбим тўридаги самийи миннатдорчилигимни севимили газетам «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» орқали ихзор этмоқчиман.

Дарҳақиқат, Аҳмад ака ўзининг меҳрибонлиги, ҳалолилик ва тўғрилиги таянганлиги билан атрофдагилар кишилар олқишга сазовор бўлди. Албатта, қимда иқтидор бўлса, у ўзи танлаган соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшади. Аҳмад Халилов ана шундай иқтидорли кишилардан бири. Ишончимиз қомилки, Аҳмад ака халқ қимизига қўллаб муруват кўрсатади.

Шокир РАББАНАЕВ, талаба.



Шомухамедов Шоанвар
Шоахмедович 1942 йил туғилган, тиббиёт фанлари номзоди, доцент. Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтини педиатрия факультети декани, болалар овқатланиши курси раҳбари.

Болалар саломатлигини сақлашда ва мустаҳкамлашда тўғри овқатланишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Республикада болалар овқатланиши бўйича мутахассислар санқили даражада бўлиб, булар орасида Шоанвар ақанинг хизматлари каттадир.

Шоанвар ака 1965 йил Тошкент Давлат Тиббиёт институтини имтиёзли тугатган, овқатла-

Қутлов СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИСИ

ниш гигиенаси кафедрасида аспирант, сўнгра 1970-йил номзодлик диссертациясини ёқлагач, ассистент, доцент лавозимларида ишладилар. 1985-87 йиллар Педиатрия Илмий текшириш институтининг болалар овқатланиш лабораторияси раҳбари, 1987 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида болалар овқатланиши курси раҳбари ва педиатрия факультети декани лавозимларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Улар ўзларининг 37 йиллик амалий, педагогик ва илмий фаолиятини болалар саломатлигининг асосий омилларидан бири ҳисобланган овқатланиш масалаларига бағишладилар. 2000 дан ортик талабалар, 1000 дан ортик шифокор-педиатрларга тўғри овқатланишнинг сир-асрорларини ўргатишда, уларнинг билим ва амалий кўникмаларини оширишда ўз ҳиссаларини қўшган ҳолда педагогик фаолиятларини ҳам илмий изланишлар билан биргаликда олиб бориладилар. Ўзбекистон шароитида болалар овқатланишини ташкил қилишнинг ўзига хос ҳусусиятларини ўрганиш асосида бир қатор илмий асослан-

ган тақлиф ва тавсиялар тайёрлаб, болалар саломатлигини яхшиловчи бемор болаларга шифобахш ҳисобланган Ором — 1, 2, 3 қатқиларини ишлаб чиқаришда қатнашди. Ҳозирги кунда бу махсуслотлар нафақат Ўзбекистонда, хатто қўшни давлатларда ҳам ишлаб чиқилмоқда ва яхши натижалар бермоқда.

Иқтидорли касб эгаси 130 дан ортик илмий-амалий мақолалар, ўқув-методик қўлланма ва тавсияномалар муаллифи. Айниқса, кейинги йилларда болаларни она сўти билан эмизиб боқишга бағишланган «Болани эмизиб боқиш» номли китоби оилавий ва умумий амалиёт шифокорлари учун қўндалик қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Ўшбу қўлланма асосида «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» газетасида умумий амалиёт шифокорларига ёрдам тариқасида бир қатор мақолалар чоп этилди.

Тажрибали тиббиёт ходими бугунги кунда шифокорларга дарс бериш билан бирга аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларни тўғри овқатлантиришга оид тарғибот ишларини олиб бориш билан бир қаторда кўп йиллардан буён Шаҳар Сало-

матлик марказида илмий маслаҳатчи вазифасида тарғиботчиларга фойдали маслаҳатларини бериб келмоқдалар.

«Соғлом авлод учун», «ЭКО-САН», «Ибн-Сино» халқро жамғармалари фаолиятида мунтазам қатнашиб, республикамизнинг чекка ҳудудларида аҳоли саломатлиги маданиятини оширишда ўзларининг ҳолисона, камтарона меҳнатлари билан ҳисса қўшиб, халқнинг ҳурмат ва эътиборига мушарраф бўлмоқдалар.

Газетамизнинг фаол муаллифларидан бири ҳисобланган Шоанвар Шомухамедов ўзининг болаларни она сўти билан боқиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этадиган бир қатор мақолалари орқали муштарийлар эътиборини қозongan. Бугунги кунда ўзининг 60 ёшлик таваллуд кунини нишонлаётган Ш. Шомухамедовни «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» — «Здравоохранение Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси ҳам кўтлуг йшлари билан қизгин мувоабқод этади.

ТАХРИРИЯТ.

Ребенок кашляет. Кашель усиливается, подрывая его ослабленный организм. А так хочется скорее помочь своему малышу. Что же делать? Не отчаиваться!

Ваш верный помощник – сироп «Бромгексин 4 Берлин-Хеми».

Ароматный и приятный на вкус «Бромгексин 4 Берлин-Хеми» мгновенно смягчит слизистую полости рта и верхних дыхательных путей и успокоит кашель.

Препарат способствует разжижению и отхождению мокроты, которая накапливается в легких и мешает свободно дышать.

Новый сироп «Бромгексин 4 Берлин-Хеми» не содержит алкоголя, поэтому не оказывает разрушающего действия на центральную нервную систему. «Бромгексин 4 Берлин-Хеми» можно принимать несколько раз в день – это особенно важно, если его принимает ребенок!

Сироп «Бромгексин 4 Берлин-Хеми» великолепно помо-

Бромгексин 4 Берлин-Хеми

- Высокоэффективный
- Быстродействующий
- Надежный



Теперь не только
для взрослых,
но и для детей!

BERLIN-CHEMIE
MENARINI GROUP

гает при бронхите, воспалении верхних дыхательных путей, при катаральных явлениях.

В каждой упаковке «Бромгексин 4 Берлин-Хеми» находится удобная мерная ложечка. Она позволит точно отмерить необходимое количество лекарства для детей разного возраста.

Когда «Бромгексин 4 Берлин-Хеми» под рукой – на душе спокойно, это значит, выздоровление близко!

Сироп «Бромгексин 4 Берлин-Хеми» – эффективное средство от кашля как для детей, так и для взрослых.

Вы всегда узнаете сироп от кашля

«Бромгексин 4 Берлин-Хеми» по красочной упаковке с веселым

жизнерадостным медвежонком, который непременно понравится Вашему малышу!

BERLIN-CHEMIE
MENARINI GROUP

Баҳор неъмат

ТОК

Ток – узумдошлар оиласига мансуб, чирмашиб ўсадиган ўсимлик. Ток жўҳоннинг тропик, субтропик ва мўътадил иқлими минтақаларида тарқалган. Токнинг турли навлари Ўзбекистоннинг барча туманларида ўстирилади.

Ток меваси таркибида 30% гача қанд (глюкоза ва фруктоза кўринишида), оксил, пектин, ошловчи моддалар, В, В₂, В₆, В₁₂, С, Р, РР дармондорилар, каротин, флавоноидлар, фолат кислотаси, шунингдек, минерал тузлардан калий, кальций, магний, фосфор, темир, кремний, кобальт тузлари мавжуд.

Ток баргларида гликозидлар, кверцетин, органик кислоталар, инозид, аминокислоталар, каротин, С, Р дармондорилари ва 2% га яқин ёғ, 8% га яқин ошловчи моддалар, 5,4% флорафенлар, лецитин, ванилин сақлайди.

Узум қадим замонлардан бери халқ табobati амалиятида кенг қўлланилиб келинмоқда. У безордоривор восита сифатида ўз даврида табиилар, хозирги вақтда шифокорлар томонидан бир қатор хасталиклари даволашда тавсия этилиб келинмоқда.

Халқ табobatiда узум билан қовуқ, буйрак, жигар, юрак, меъда-ичак йўли касалликлари даволанади. Шунингдек, унинг никриз (подагра), бавосил касалликларини даволашда ижобий натижалар бериши, қон тўхтатиш, ўт ва сийдик ҳайдаш хусусияти маълум. «Маҳзан-ул-адвия»да таъкидланишича, узум кучли озуқа берувчи неъмат, танада қонни яхшилайдиган, қаттиқ нарсаларни юмшатади. У нафас йўллари ва ўпканинг ҳолатини

яхшилайдиган, семиришга мойиллик яратадиган, буйракда ёғ ҳосил бўлишига ёрдам беради. Майиз эса янада қувватбахш таъсир кўрсатади, яхши қонни кўпайтишга воситачилик қилади. Сақланган (майиз) узум оғир касалликларни (безгак, шамоллаш билан боғлиқ хасталиклар) бошидан кечирган кишилар учун жуда фойдали ҳисобланади.

Узум одам танасида модда алмашинуви яхшилайдиган, балғам кўчишига ёрдам беради. Узумни тинка қуришида, камқонликда, ўпка сили, зотилжам, зикнафас, ошқозон-ичак касалликларида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Токнинг фақат ўзумигина эмас, балки унинг пояси ва барглари ҳам шифобахш эканлиги кўпчиликка маълум. Абу Али ибн Сино узум барги ва жингалакларини бош оғриғи, кўз шамоллаши, меъда ва қулоқ касалликларини даволашда қўллаган.

Халқ орасида токнинг барг шираси кўзни равшанлаштирувчи, ток баргидан тайёрланадиган дамламалар бод касаллигини даволловчи безор омили сифатида тавсия этилади.

Ток баргларининг дамламасидан томоқ оғриғини чайқашда, бодомча безларининг яллиғланишида (ангина), бозиллатма (компресс) ҳамда обзанлар (ванна) тайёрлашда тери касалликларидан ҳоли бўлиш учун фойдаланилади. Токнинг покиза майдаланган барглари яра ва жароҳатларга қўйлади, натижада уларнинг ўрни яхши битади. Ток баргининг мурғакларидан тайёрланадиган таомлар кишига қувват бағишлайди, овқатни осон ҳазмланишига ёрдам беради.

«Табий даволар»
китобидан олинди.

Шеърят СОҒ БУЛИНГ, ОНАЖОН

Билин динидадан кўрфок собаси,
Кўрфокнинг, фону жасонинг оям.
Шайхнинг хал не
Мезининг сўфати Сидда муқассам.
Билин кўнб, «Сидда» тоданим,
Билиннинг билилар иссиқ, ояқон,
Кўрфокнинг меъра дўрлар соданим,
Билиннинг сўз ҳам билим

СОҒ-ОҒОН!
Ўғилдай йўлдошев,
Жиззаб вилояти.

Советы психолога

ЗАКАЖИТЕ СЕБЕ СУДЬБУ

Если у вас не хватает сил противостоять обидам и неприятностям наяву, тогда попробуйте одолеть их во сне.

Время от времени всем нам снятся кошмары. Нас преследуют, загоняют в ловушки, откуда-то сбрасывают, в чем-то топят... Все это мрачные художества нашего подсознания, которое в такой вот творческой манере перерабатывает и преподносит нам во сне все накопленные во время бодрствования боли, обиды и переживания. Бабушки советуют в подобных случаях открыть кран и пересказать воде все ночные ужасы. Можно, конечно, довериться и водопроводной трубе. Но психологи предлагают кое-что поинтереснее...

ПОБЕДА БУДЕТ ЗА НАМИ

Если кто-то, что-то или нечто преследует вас во сне, то и вы не теряйтесь. Не убегайте от противника. Обернитесь к нему лицом и продемонстрируйте ответную агрессию. Победа над опасностью во сне – это победа над нашими подсознательными страхами, зажимами, которые мешают нам развиваться. Перед сном главное – правильно себя настроить. Например, закройте глаза и несколько раз повторите: «Если во сне за мной погонятся, я не побегу. Я буду бороться».

Икки ёш врач маслаҳатлашляпти:
– Нима қилдик, беморни даволаймизми ё ҳаёт юратурсинми?

– Кампир, умримизни бирга ўтказдик. Қани, ростини айт – ўтган ишга саловат – ҳеч менга хиёнат қилганимсан?
– Узинг-чи?
– Бирон марта ҳам хиёнат қилмаганман.



– Мен ҳам.
– Алдама. Эсингдами, олдин-га Вася келган эди.
– Вой, эсим курсин...
Кампир ўтирган жойидан сапчиб туриб, жавоннинг олдида боради, қалитни бурайди ва

эшикни очди. Жавоннинг ичидан ерга шақирлаб суюқлар туқилди.

Ширакайф дам олувчи ресторандан чиқиб, эшик олдида турган серхашам кийимдаги одамга мурожаат қилди:
– Тезроқ такси чақиринг.
– Менга қаранг, мен шейцар эмас, кема капитаниман.
– Ундай бўлса, кема чақирақолинг!

«Ўзбекистонда
соғлиқни сақлаш»

«Здравоохранение
Узбекистана»

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир:
С. ОРИПОВ,
профессор.

Ижрочи муҳаррир:
И. СОАТОВА.

Тахир хайъати:
М. МИРАЛИЕВ, П. МИРПОЎЛАТОВ
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),
Х. РАББАНАЕВ.

Манзилгоҳимиз: 700060, Тошкент,
Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида
руйхатга олинган, гувоҳнома № 00504.
Умумий адади 10.000 нуска
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.
Хафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни
сақлаш»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Заказ Г-317.

Ўнома «ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонасида чоп
этилади. Корхона манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Ҳажми 2 босма тобқ. Формати А3. Офсет
усулида босилган. Ўнома IBM компьютерида
тертилади ва сақлалади.

Реклама ва эълонлардаги маълумотларнинг мазмуни ва ҳаққонийлиги учун реклама берувчилар
жавоб берадилар.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.